

## ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

***КУТИЛМАГАНДА ИШДАН БЎШАБ КЕТГАН БУХГАЛТЕР ЎРНИГА ДИРЕКТОР БОШҚАСИНИ ТОПДИ. ЯНГИ БУХГАЛТЕР ИШЛАРНИ ЎРГАНИБ ЧИҚАР ЭКАН, ЎТМИШДОШИ ОЗ-ОЗДАН БЎЛСА ҲАМ АНЧА-МУНЧА МАБЛАҒНИ ЎЗЛАШТИРГАНЛИГИНИ АНИҚЛАДИ. БУНДАЙ ВАЗИЯТЛАРДА РАҲБАР ҚАНДАЙ ИШ ТУТМОҒИ КЕРАК?***

**● Бош бухгалтер Райҳон Асқаровна:**

– Агар олдинги бухгалтернинг анча-мунча маблағни ўзлаштирганлиги маълум бўлиб қолса, раҳбар уни чақиртириб, молиявий камомад сабабини аниқлаб олиши даркор. Бунда энг аввало бўлган воқеани ойдинлаштириб олиш керак. Чунки ўзлаштириш ҳодисаси бўлмаган, шунчаки хатоликка йўл қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Мабодо олдинги бухгалтер номаълум тарафга ғойиб бўлган ёки мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарига чиқиб кетган бўлса, ишни уч кун ичида судга ёки прокуратурага ошириш зарур.

**● Бош бухгалтер Ноила Назиповна:**

– Бунда икки хил йўл бор. Бухгалтер ташкилотдан бўшаб кетаётган бўлса, аудитор чақиртириш керак. Аудитор олдинги бухгалтер ишидаги нуқсон ва камчиликларни аниқлашга ёрдам беради. Бундай амалиёт кейинги пайтларда мамлакатимизда тобора оммалашиб бормоқда. Негаки бу иш олдинги иш жойини хотиржам тарк этиш, келгусида бирон-бир муаммо муносабати билан югур-югур қилиш ташвишидан холи қилади. Қолаверса, директор жорий вақтда унинг фирмасида пул билан боғлиқ ҳеч қанақа молиявий қоидабузарликлар йўқ эканлигини билиб олади ва ишни бамайлихотир давом эттира олади. Аудиторлик текшируви ўтказилгач, ишлар янги бухгалтерга топширилади.

Борди-ю, бундай текширув ўтказилмаган бўлса ва бухгалтер ишни қабул қилиб олаётганида молиявий маблағларнинг бир қисми ақл бовар қилмайдиган тарзда йўқ бўлиб қолганлигини аниқласа, корхона директори номига дарҳол хабарнома ёзиб, уни камомаддан хабардор этиши шарт. Бундай кезларда комиссия тузилади. Ишдан бўшаб кетган ходим мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига чиқиб кетмаган бўлса, қаерда эканлиги ҳам маълум бўлса, уни ташкилотга етказилган моддий зарар ўрнини қоплаб беришга мажбур қилишади. Акс ҳолда иш прокуратурага оширилиши керак.

Тўғри, ўғирланган ёки ўзлаштирилган сумма катта бўлмаса, раҳбарият бу кўнгилсиз ҳодиса ошкор бўлиб, кенг шов-шув қилинишини хоҳламаса, шундай йўл тутиши мумкин: олдинги бухгалтер ихтиёрий равишда етишмаётган суммани жойига келтириб қўяди ва йўлига тинчгина равона бўлаверади. Ё бўлмаса, хусусий корхона мулкдори сифатида директорнинг ўзи зарарнинг ўрнини қоплайди. Бу иш давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотда содир бўлса, раҳбар истайдими-йўқми, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этишга тўғри келади.

**● Бош бухгалтер Муҳсина Тоҳировна:**

– Бундай ҳолларда энг аввало вазиятни батамом аниқлаб олиш керак. Собиқ бухгалтерни чақиртириб, чиндан ҳам маблағни ўзлаштирган-ўзлаштирмаганлигини аниқлаш, бирон-бир хатолик ёки эътиборсизликка йўл қўйган-қўймаганлигини суриштириш керак. Менинг фикримча, бухгалтер фирманинг пулларига бир ўзи кўз олайтирмаса керак. Умуман олганда, айрим хатоликлари учун (ҳамма ҳам хато қилиши мумкин) солиқ инспекцияси унга жазо бериши мумкин. Лекин бу бухгалтернинг билатуриб қасддан қилган ҳаракати эканлиги тасдиғини топса, қилмишда жиноят таркиби кўриниб турганлиги сабабли мазкур иш билан прокуратура ва тергов органлари шуғулланиши керак. Ҳаммаси ўғирланган ва ўзлаштирилган пул маблағлари миқдорига боғлиқ. Буларнинг бари, аслида, бухгалтерга сира ярашмайдиган қилмишдир. Чунки **бухгалтернинг ўзи биринчи навбатда назоратчи бўлмоғи керак.**

Юқорида айтилган вазиятда айб бухгалтерда ва у жавобгардир. Раҳбар ҳам бундан четда қолмайди. Негаки ҳар қандай ташкилотда пухта назорат йўлга қўйилган бўлиши керак. Бинобарин, битта операция бир неча киши томонидан, энг камида бош бухгалтер ва директор томонидан кўриб чиқилмоғи лозим.

Бухгалтерия ходими ишдан бўшаб кетаётганида, бошлиқлар ҳам, янги бухгалтер ҳам ҳамма нарса жойида эканлигига ишонч ҳосил қилиши учун аудиторлик текшируви ўтказган маъқул. Аудитга юз фоиз ишониб бўлмайди, албатта. Лекин кўпинча бундай текширувлар ўзини ўзи хотиржам қилиш учун ўтказилади-ку, ахир.

Бухгалтер ўзи ишлаб турган ташкилот маблағига ола қараши мумкин бўлган вазиятни шахсан мен тасаввур қила олмайман, ҳаётда бунақаси бўлмайди деб ўйлайман. Зотан, молия ва банк билан боғлиқ барча ҳужжатларда имзо иккита бўлади, яъни уларга бухгалтер ва раҳбар қўл қўйган бўлади...

**● Бош бухгалтер Фотима Адҳамовна:**

– Савол қизиқ. Бухгалтер моддий жавобгар шахс эмаслиги боис унинг маблағни ўзлаштириши, менимча, мавҳум гап. Хўжалик мудири ёки сарфланаётган материалларга бевосита дохил бошқа бирон шахс ўғирлик қилиши, ўзлаштириши мумкин. Бухгалтерия ходими, ҳатто истаган тақдирда ҳам бундай қилиши мушкул. Мабодо бирон-бир бегона ҳисобварaққа пул ўтказилганлиги аниқланган бўлса, бу жиноий ишдир. Шундай бўлгач, прокуратурадан одам чақиртириш керак. Шуниси ҳам борки, бунга ташкилот раҳбари ҳам аралашган, чунки уларнинг ҳар иккаласи бу йўналишда жавобгар шахсдир.



Муаммо тинчгина ҳал бўлиши учун бухгалтерни фирмага чақиртириб, етказилган зарарни келишилган муддат ичида тўлашни таклиф этиш мумкин. Ана шу вақт мобайнида пул қайтарилмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш керак. Мен бундан бошқа жўяли йўл кўрмаяпман. Раҳбарнинг ўз чўнтагидан тўлаши эса бутунлай бошқа гап. Бундай ҳолларда кўп нарса ташкилот қандай шаклда эканлигига боғлиқ. Айтайлик, у хусусий корхона бўлса, етишмаётган суммани директорнинг ўзи тўлаб қўя қолиши осон. Масъулияти чекланган жамият бўлса, масалани муассислар билан келишиб олишга тўғри келади. Иш ошкоралик касб этиб, прокуратурагача бориб етмаслиги учун муассислар кутилмаган харажатлар эвазидан ёки корхона зарарини қоплаш маъносида муайян миқдордаги маблағни ҳисобдан чиқаришлари мумкин. Бошқа бир йўли – етишмаётган пул суммасини ўша бухгалтерга маош тариқасида тўлангандай расмийлаштиришдир. Лекин бу ҳаракат қонуний бўлиши учун даромад солиғи тўлаш керак. Масаланинг бошқа томони – бўшаб кетган бухгалтер шу зайил ноқонуний даромад олган бўлиб чиқади...

**● Якка тартибдаги тадбиркор Олия Абдуллаевна:**

– Бош бухгалтер юқорида айтилганидек иш тутиб, давлатга тўланмаган солиқлар ҳисобидан пул маблағлари ўғирланиши ва ўзлаштирилишига йўл қўйган бўлса, зудлик билан прокуратурага мурожаат этиш керак. Чунки бу ҳодиса солиқ инспекцияси томонидан аниқлангудек бўлса, мазкур ташкилотга озмунча муаммо келтириб чиқармайди.

Молиявий маблағлар шу ташкилотдан бошқа ёққа кетган бўлса, яъни муайян шартнома бажарилмаган бўлса, яхшиси ўша одамни чақиртириб, рад қилиб бўлмайдиган ўғирлик– ўзлаштирганлик ҳолларини рўкач қилиб, ундан зарарларни тўлашни талаб қилиш керак. Борди-ю, у тўлашдан бош тортса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этиш мумкин. Бундай вазиятни одамийлик қоидалари доирасида ҳал этиб, ички сирларни ташқарига чиқармаган маъқул. Акс ҳолда мижозларнинг бу ташкилотга ишончи йўқолади, улар бухгалтерия ходими нопокликка қўл уриб, пул ўзлаштирганлигини билиб қолсалар, бошқа шерик қидиришлари турган гап. Шахсан мен, масалан, бундай фирма билан мулоқотга қатъий чек қўйган бўлардим.

Умуман, бухгалтер деганлари, менимча, ишни шартта ташлаб ғойиб бўлиши мумкин эмас. Зотан ишдан бўшашдан олдин у қабул қилиб олиш-топшириш далолатномасини тузиб, бутун ишни ўз ворисига белгиланган тарзда топшириши шарт. Мабодо чиндан ҳам жуфтакни ростлаб қолган бўлса, прокуратурага мурожаат қилиш керак.

**● Бош бухгалтер Лобар Собировна:**

– Собиқ бухгалтернинг қаерда эканлиги хусусида маълумотлар бўлса, шак-шубҳасиз, уни чақиртириш ва вазиятни жойнинг ўзида ойдинлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Маълумки, бухгалтер ишдан бўшаётганида ҳар бир ҳисобварақ бўйича далолатнома тузиши, дебетларни кредитларга тенглаштириши, ишни янги бухгалтерга топшириши керак.

Юқорида айтилганига ўхшаш ҳолат ҳақида сира эшитмаганман. Бухгалтер пулни ўғирлаганлиги ва ўзлаштирганлиги билан боғлиқ ҳолларга ҳам дуч келмаганман. Унинг бирдан-бир қилиши мумкин бўлган иш – пул маблағларини тамомила бегона ҳисобварaққа ўтказиш, холос. Лекин ҳужжатга раҳбар ҳам имзо қўядиган бўлганлиги боис бу ишни у раҳбарнинг розилигисиз қила олмайди. Шу сабабли қинғир ишда ҳар иккаласи ҳам иштирок этган бўлиб чиқади.

***Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.***

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

***АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАНГИЗНИ ИЖОБИЙ (САЛБИЙ) ДЕБ БИЛАСИЗМИ? НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ИДОРАЛАР БИЛАН НИЗОЛАШИЛГАН КЕЗЛАРДА АУДИТОР СИЗНИНГ МАНФААТИНГИЗНИ ҚАТЪИЙ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛГАНМИ? АУДИТОРЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИДАН КЕЙИН ЎТКАЗИЛГАН ТЕКШИРУВДА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АНИҚЛАНГАН ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАРИМА ТЎЛАШИНГИЗГА ТЎҒРИ КЕЛГАНМИ ВА БУНДА ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ СИЗГА АУДИТОРЛАР ҚОПЛАГАН ҲОЛЛАР ҲАМ БЎЛГАНМИ?***



Жавобларингизни **144-44-45** факси ёки ***normapress@mail.ru*** электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.
Сўровимизнинг энг фаол иштирокчилари ярим йиллик якунлари бўйича таҳририятнинг махсус соврини билан мукофотланадилар.
**Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.**

*● Хорижий янгиликлар ● Хорижий янгиликлар ● Хорижий янгиликлар ● Хорижий янгиликлар ● Хорижий янгиликлар ●*

### ТЎСИҚСИЗ БИЗНЕС

Қозоғистон тадбиркорлари ва бухгалтерларида барча маъмурий тўсиқларни четлаб ўтиш имконияти пайдо бўлди – улар учун бу ишни махсус компания бажаради. Яқинда бу мамлакатда да[illegible] муассасаларида бизнесменлар ўрнига навбатда турадиган фирма пайдо бўлди.

Компания расмий равишда остоналик икки тадбиркор томонидан рўйхатдан ўтказилган. Хизмат ҳақи соатбай асосида. Навбат яқинлашганда буюртмачига қўнғироқ қилишади, шундан сўнг зарур идорага ҳужжатлар билан келишади.

Бундан ташқари, мижоз давлат муассасаси хизматчилари билан мулоқот қилишни компанияга топшириб, муассасага умуман келмаслиги мумкин. Лекин бундай хизмат анча қиммат туради.

### МОЛДОВАДА РЎЙХАТГА ОЛИШ СОДДАЛАШАДИ

Молдова ахборот тараққиёти вазирлигининг рўйхатга олиш палатаси маҳаллий фирмаларни рўйхатга олиш ва уларни тугатиш таомилини соддалаштирадиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу ҳужжатга мувофиқ рўйхатга олиш сертификати бекор қилинади. Ахборот тараққиёти вазирлигининг Давлат рўйхатга олиш палатасида катта ахборот базаси мавжуд бўлиб, давлат реестридаги барча маълумотларга автомат тарзда ишлов берилади. Бу эса давлат муассасаларига ахборот тизими (электрон почта) ёрдамида биргаликда ҳаракат қилиш имконини беради. Тадбиркор тўғрисидаги барча маълумотлардан унга эҳтиёжи бор муассасалар фойдалана олади, шунда сертификатга зарурат қолмайди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида юридик ёки жисмоний шахс декларация – ариза топширганидан сўнг давлат томонидан ҳисобга олиниши мумкинлиги кўрсатилган. Корхонани тугатиш ҳам ана шундай ҳужжат ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Қонун лойиҳаси коррупцияга қарши курашиш нуқтаи назаридан экспертизага юборилган, шундан сўнг ҳукумат кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ЯХШИЛАШ ҚИММАТГА ТУШАДИ

АҚШ президентлигига номзод Жон Эдвардс сайловчиларга қилган мурожаатларидан бирида сайловда ғолиб чиққан тақдирда мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга ваъда берди. Тўғри, бунинг учун солиқлар миқдори оширилади. Гап шундаки, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш режасининг қиймати 90-120 миллиард доллар деб баҳоланади. Шу сабабли лойиҳани амалга ошириш учун молиялаш манбалари зарур бўлади. Сайловчиларнинг бундай таклифга қандай қарашлари ҳали номаълум. Балки унчалик салбий муносабат билдиришмас.

### ҚҚСни ҚАЙТАРИШ ОСОНЛАШАДИ

Украина Олий радаси депутатлари қўшилган қиймат солиғини қайтаришнинг соддалаштирилган механизмини белгилаган қонун лойиҳасини қабул қилишди.

Бу ҳужжатга мувофиқ, 2007 йил 1 мартдан бошлаб олдинги йил давомида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширган солиқ тўловчилар соддалаштирилган тартибда ҚҚСни ҳисоблашлари мумкин. Тўғри, олдинги йилдаги экспорт операцияларининг ҳажми камида 100 миллион гривнага етган фирмаларгина янги имтиёздан фойдалана олади. Бундан ташқари, имтиёзга даъвогарлик қилувчи солиқ тўловчининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми олдинги йилдаги товарлар етказиб бериш бўйича операциялар умумий ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил қилиши, асосий фондларнинг қолдиқ баланс қиймати эса олдинги 12 ой учун қайтаришга ариза берилган солиқ миқдоридан кўп бўлиши лозим.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# ЖАРИМА ДАРОМАДЛАР МОДДАСИ СИФАТИДА

***Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси тендер савдолари ғолиби бўлган ташкилотлар билан лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга пудрат шартномаларини тузади. Ўз шартномавий мажбуриятларини бажармайдиган пудрат ташкилотлари бор, уларга нисбатан биз шартномаларда кўрсатилган жазо чораларини қўллаймиз ва суд томонидан белгиланган суммани суд тартибида ундирамиз.***

***Ундирилган жарима суммасини ҳисобда қандай акс эттириш керак? Мазкур операция бўйича қандай солиқ оқибатлари юзага келади?***

**Х.Мадраҳимов, бўлим бошлиғи.**

– Хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун пудратчилардан ундирилган жарималар суммалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

| *Хўжалик операциясининг мазмуни* | *21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси* | |
|---|---|---|
| | *дебет* | *кредит* |
| Шартномавий мажбуриятларга риоя этмаганлик учун жарима тўлаш бўйича пудратчининг қарзи акс эттирилади | 4860-“Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар” | 9330-“Ундирилган пеня, жарима, неустойкалар” |
| Ҳисоб-китоб рақамига ундирилган жарима суммаси келиб тушди | 5110-“Ҳисоб-китоб рақами” | 4860-“Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар” |

Пудратчилардан ундирилган жарималар, Харажатлар таркиби тўғрисида низом *(Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган)* «В» бўлимининг 2.1-бандига кўра асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга тааллуқли бўлади ва юридик шахслар даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ ҳамда ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоб қилинаётганда солиқ солинадиган базага киритилади.

# ҚОНУН ТАҚИҚЛАМАЙДИ

***Марказимиз илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланади. Биз кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш бўйича халқаро дастурда иштирок этмоқчимиз. Бунинг учун юқори даражали мутахассисларнинг 4 та гуруҳини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Биринчи гуруҳ аъзолари – турли муассасалардан жалб этилган профессорлар, тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари – илмий тадқиқотлар ўтказадилар ҳамда касалликнинг олдини олиш ва уларни даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқадилар. Иккинчи гуруҳ халқаро стандартлар бўйича лойиҳа ва якуний илмий ҳисобот тайёрлаш билан шуғулланади. Учинчи гуруҳ барча ҳужжатларни таржима қилади, тўртинчи гуруҳ эса молиявий масалалар билан шуғулланади.***

***Илмий тадқиқотларни жалб этилган аттестацияланган ва юқори даражали мутахассислар ўтказишини, марказимиз эса лойиҳа тайёрлаш, якуний ҳисобот ёзиш, улар таржимаси ва молиявий масалалар билан шуғулланишини ҳисобга олганда, илмий-тадқиқот маркази:***

***тиббиёт соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг рухсатномасини;***

***тиббиёт соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятига доир лицензияни олиши шартми?***

**Ўктам Муҳаммадиев,**
**«Invention» илмий-тадқиқот марказининг директори.**

– Амалдаги қонун меъёрларида тиббиёт соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишга махсус рухсатнома олиш назарда тутилмаган.

Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланган. Унга кўра сиз кўрсатган фаолият турини амалга ошириш учун лицензия талаб қилинмайди.

***Ада Цой,***
***эксперт-юрист.***

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
04_0020
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши: (99875) 227-18-11

*Ҳафта қўнғироғи*

# ИМТИЁЗЛАР ТЎЙДАН КЕЙИН

***Алло! Ўғлим бу йил институтни тугатиб, ишлай бошлади. Кузда уни уйлантирмоқчи эдим, у эса ўз квартирам бўлмагунича уйланмайман, дейди. Ҳозир ёшлар учун тураржойни харид қилиш бўйича имтиёзлар бор деб эшитгандим. Улар тўғрисида ҳикоя қилиб бера олмайсизми?***

**Р.Иброҳимова.**
**Тошкент шаҳри.**

– Ишончимиз комилки, сиз Президентнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони* тақдим этаётган имтиёзларни назарда тутяпсиз. Бироқ имтиёзларга эга бўлиш учун ўғлингиз аввало уйланиши керак, чунки **ушбу ҳужжатнинг амал қилиши фақат ёш оилага – ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган эр-хотинларга татбиқ этилади.**

Давлат раҳбари турли тузилмаларнинг энг муҳим вазифалари сирасида ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатишни белгилади.

Президент тижорат банклари, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш; уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш); уй хўжалигини йўлга қўйиш; мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун 2007 йилда 50 миллиард сўм ажратиш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади.

ПФ-3878-сон Фармон билан белгиланган тартибга мувофиқ жисмоний шахслар – ёш оила аъзоларининг қуйидаги даромадлари солиққа тортилмайди:



солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси; хўжалик субъекти – иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, сотиб олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб беш йил ичида ушбу мол-мулк сотилса, юқорида кўрсатилган даромадлар белгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилади.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш мақсадида хўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текинга берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, камайтириш ҳуқуқи берилган.

*Таҳририят ҳозирда Президентнинг ПФ-3878-сон Фармонини амалга оширишга бағишланган мақолалар туркумини тайёрламоқда. Материалларимизни кузатиб боринг.*

** ПФ-3878-сон, 2007 йил 18 май («СБХ»нинг 2007 йил 22 майдаги 21 (669)-сонида эълон қилинган).*

РЕКЛАМА

Бератор - революция в бухгалтерии!




**«Бератор Гроссбух»** - справочная система для бухгалтеров и кадровиков – папка-«регистр», в ней 1020 страниц и 200 шаблонов бухгалтерских и кадровых ситуаций. Проводки, начисления, первичные документы, ссылки на законы. Просто подставь свои цифры!

**1. Если два бухгалтера прочтут один и тот же закон,** каждый применит его по-своему. А это значит, что один из них совершил бухгалтерскую ошибку! Пользуясь шаблонами, не надо думать, как применить закон.

**2. При изменениях в законодательстве** мы заменяем в вашей папке несколько страниц, и ваша система не устаревает. **Есть версия на CD и на узбекском языке. СТОИМОСТЬ - 98 000 сум. «БТЛ» и «АКАДЕМПРЕССА»** высылают оглавление, фрагменты и договоры факсом, курьером и по e-mail: uzberator@rambler.ru Berator.uz. Тел: 1420542, 1420696. Бератор имеет подлинную печать «АКАДЕМПРЕССА» на 1-й странице.

**БЕРАТОР, в отличие от предложений других организаций, можно получить сейчас!**

*Ноанъанавий савол*

# «ТАҚЛИДЧИ-РАҚОБАТЧИ»

***Бозорда компаниямизнинг иш услубидан нусха олган рақобатчи пайдо бўлди. Бозорнинг (яъни харидорларнинг) бир қисмини йўқотаётганимизни тушунамиз, лекин зарарни қандай қилиб камайтирса бўлади?***

– Компаниядан нусха кўчириш шу қадар осон бўлганида эди, бошқа автомобиль ишлаб чиқарувчилар аллақачон Mercedes ёки Ford чиқара бошлаган, бизнинг «Makiz» Россиянинг «Макфа»сига айланган бўларди. Бироқ ташқи элементлардан ассортимент, реклама сўзлари, корпоратив услубдагина нусха олиш мумкин. Компаниянинг моҳияти: унинг технологияси, менежерларнинг мулоқот услуби, энг муҳими – йиллар давомида вужудга келадиган ва ўхшатиш мумкин бўлмаган маҳсулот сифатидан нусха олиб бўлмайди.

Аммо тажовузкор клонга қарши олдиндан чора кўриш лозим. Аввало компания мижозлар эҳтиёжини рақобатчиларидан яхшироқ қондириши тўғрисидаги ахборотни ҳозирги ва бўлажак мижозларга етказиш зарур. Бундай баёнотлар қуруқ гап бўлмаслиги учун бир неча нуфузли мижозларнинг ишингиз тўғрисидаги фикрини олинг ва сайтнинг тегишли саҳифасига жойлаштиринг.

Бундан ташқари, маслаҳат-таълим семинарларини ўтказиш ортиқча бўлмайди. Семинарда аниқ ҳисоб-китобларга асосланган амалий қисм бўлиши шарт: масалан, агар мижоз компаниянгиз билан шартнома тузса, маълум даврда қанча фойда олиши, фирмангиз қандай бонус, чегирмалар бериши мумкинлиги кўрсатилиши керак.

Ниҳоят, муаммога файласуфона қараш мумкин: рақобатчининг пайдо бўлиши янги, янада чиройли маҳсулот ёки янада яхшироқ хизматни ўйлаб чиқариш учун омилгина бўлсин. Эски маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатиб, бу ҳақда истеъмолчиларни кенг миқёсда хабардор қилиш керак. Ҳар йили мунтазам шундай қилсангиз янада яхши бўлади: ҳасадчи сизга етиб олишга уринаверсин.

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми?***

***Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга ва етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» шу рукн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.***

# АСОСИЙСИ – СИФАТНИ ОШИРИШ

1-бетда

***Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотлари билан амалий мулоқотга ҳамиша тайёр эканлигини таъкидлайди. Шу йил 25 май куни «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ҳамда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар жавобгарлигини ошириш йўллари»[1] мавзуида давра суҳбати ўтказилди, унда вазирликнинг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Тадбир иштирокчилари халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган тарзда аудит самарадорлигини ошириш зарурлиги ҳақида бир тўхтамга келдилар.***

***Молия вазирлиги вакиллари аудиторлар ишига оид шартлардаги ўзгаришлар юзасидан тушунтиришлар бердилар, хусусан аудиторлик ташкилотлари устав фондига доир, мамлакат Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори[2] билан белгилаб берилган янги талаблар энг аввало янги тузилаётган тузилмаларига татбиқ этилишини айтдилар. Мазкур ўзгартишлар кучга киргунга қадар тузилган ташкилотлар эса ўзларининг тегишли устав фондларини келаси йилнинг 1 январига қадар шакллантиришлари керак. Улар шартнома мажбуриятлари билан боғланган корхоналарга хизмат кўрсатишни шу муддатда давом эттиришлари мумкин. Лекин 2008 йилнинг 1 январига барча аудиторлик ташкилотларининг устав фонди қўйилаётган талабларга монанд бўлиши шарт.***

***Молия вазирлиги бир неча аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўлмиш аудиторларга йил тугашини кутмасликни, ўз ташкилотларини ҳозирнинг ўзидаёқ бирлаштиришни ва шу йўл билан устав фонди миқдорини кўпайтиришни, кучғайратлари ва профессионал кўникмаларини битта аудиторлик ташкилотини тўлақонли тарзда ривожлантиришга йўналтиришни маслаҳат беради.***

**Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси бошлиғи Шарофиддин ҲАЙДАРОВ** аудиторларнинг саволларига жавоб беради:



***– Мамлакат Президентининг ПҚ-615-сон қарорига биноан аудиторлик ташкилотининг устав фонди миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига боғлиқ қилиб қўйилди. Афтидан, бу кўрсаткич йилнинг охирларига бориб кўпайтирилиши мумкин. Биз ҳозирнинг ўзида устав фондини қўшимча равишда, керагича шакллантиришимиз мумкин, лекин тегишли турдаги лицензияни барибир ололмаймиз, чунки штатимиздаги аудиторлар халқаро сертификат учун имтиҳон топширмоқдалар ва бундай сертификатларни кузга бориб олсалар керак. Демак устав фондини йил охиридаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб тўлдиришимизга тўғри келадими?***

– Корхонангиз устав фондини қандай лицензия олиш истагида бўлсангиз, шу турдаги лицензияга мувофиқ келадиган миқдорда шакллантириши ҳамда рўйхатдан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин. Адлия вазирлигининг тегишли рухсатномасини олгач, сиз амалдаги лицензияларда белгиланган доирада аудиторлик фаолиятини давом эттира оласиз. Мутахассисларингиз халқаро сертификат олганидан кейин эса зарур ҳужжатларни лицензия берувчи органга тақдим этиб, устав фонди миқдорига мувофиқ равишда аудиторлик текшируви ўтказишга рухсатнома оласиз.

Бошқа йўли ҳам бор. Сиз устав фонди миқдорини босқичма-босқич шакллантирасиз, яъни дастлаб ташаббускорлик асосидаги аудит ҳуқуқини берувчи лицензия олишга монанд даражага етказасиз, сўнгра эса лицензия талаблари ошишига қараб керакли миқдорга кўтарасиз.

***– ПҚ-615-сон қарор аудиторлик ташкилоти зиммасига фуқаролик жавобгарлиги суғурта полиси бўлиши мажбуриятини юклайди. Лекин бу борада қўшимча биронбир мезон йўқ. Ташкилот 1 долларлик полис сотиб олиши ҳам мумкин, минг долларлик полис олиши ҳам мумкин. Шу зайл у қўйилган талабларни расман бажарган бўлиб чиқади. Аудиторларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларнинг мижозлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар эса бунда самара бермаслиги ҳам мумкин.***

– Суғурта полиси бўлиши ҳақидаги талаб «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда[3] ёзиб қўйилган. Янги қоидаларга кўра аудиторлик ташкилотида бундай полиснинг бўлмаслиги биринчи сафар қонунни бир галги қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади.

Вазирлик томонидан мажбурий суғурта суммаси миқдори аниқ белгилаб қўйилмаган. Биз бозорнинг ўзи уни тегишли меъёрга кўтаради деб ўйлаймиз. Бу талаб ҳар қандай ҳолатда ҳам бажарилиши шарт. Қолаверса халқаро амалиётда ҳам у кўпдан бери қўлланиб келади.

***– Аудиторлик ташкилотининг устав фонди миқдорига қўйилаётган талаблар ташкилот кўрсатадиган хизматлар сифатига таъсир этмайди. Биринчидан, булар моҳият эътибори билан ҳар хил нарса. Иккинчидан, мавжуд аудиторлик компанияларининг аксарияти масъулияти чекланган жамият шаклида тузилган бўлиб, «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунга биноан бу компанияларнинг мулкдорлари мол-мулкни, шу жумладан корхонага устав улуши сифатида киритилаётган мол-мулкни ўзлари баҳолайдилар. Амалиётда, масалан, муассис томонидан жамиятнинг устав фондига улуш сифатида киритилган бирон-бир уяли телефон ҳақиқий баҳосидан юқорироқ нархда баҳоланиши мумкин, жамият иштирокчиларининг умумий мажлиси шу баҳони тасдиқлайди. Назорат қилувчи биронта орган бунга аралашишга ҳақли эмас. Шундай қилиб, аудиторлик компаниялари устав фондига улуш сифатида киритилаётган активларнинг қийматини ошириш йўли билан фондни лицензия талабларига монанд миқдорга сунъий равишда етказиш имкониятига эга.***

– Умуман олганда фикрингиз тўғри: устав капиталининг миқдори аудиторлик хизмати сифатини тўғридан-тўғри оширмайди. Бу омил билвосита таъсир қилади. Чунки аудитор – ташкилот раҳбари ўз мол-мулки сифати учун жавоб беради, ахир.

Аудиторлик компанияси устав сармояси миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги талаб, бошқа жиҳатларини айтмаганда ҳам, бундай компаниялар йириклашишига олиб келади. Биз Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари ички бозордан ташқарида ҳам, йирик халқаро компаниялар билан рақобатбардош бўлиб ишлашини истаймиз.

Чоғроқ аудиторлик компанияларини йўқотиш мақсадини қўймаяпмиз – улар учун аудит бозорида иш топилади. Лекин улар билан ёнма-ён катта-катта корхоналарга сифатли хизмат кўрсатишга қодир йирик аудиторлик тузилмалари ҳам бўлиши керак. Компания штатида иккитагина аудитор ишлаётган бўлса, аудит сифатини назорат қилиш билан боғлиқ талабларга тўлиқ риоя этиш муаммо бўлиб қолади. Йирик компанияларда бўлса, сифатни бир маромда сақлаб турувчи ва аудит ўтказишнинг хос услубини ишлаб чиқувчи ички хизматлар ташкил этиш мумкин.

***– Аудиторлик ташкилотларининг раҳбарларини аттестациядан ўтказиш хусусида сизнинг нуқтаи назарингизни билишни истардик. Эндиликда Молия вазирлигида аттестациядан ўтган аудитор яхши аудитор деб қаралмоқда. Лекин у яхши раҳбарлик қилишнинг уддасидан чиқа олармикан?.. Тушунишимизча, бугунги кунда раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам қўйилаётган талабларга жавоб бера олмаса керак. Аудитор учун малака сертификатини олиш мезонлари анча юқори кўтарилди. Балки бу усулни аудиторлик ташкилотлари раҳбарларига ҳам татбиқ этиш керакдир?..***

– Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини қўшимча равишда аттестациядан ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қарор идоралараро аттестация комиссияси иш натижаларига ҳам асосланади. Сертификатланган аудитор бўлиш бошқа-ю, сертификатланган раҳбар бўлиш бутунлай бошқа нарса. Сиз аттестациядан ўтиш билан шу соҳада профессионал эканлигингизни тасдиқлайсиз. Раҳбар эса ишни лозим даражада ташкил этиш қобилиятига эга эканлигини, ташкилоти штатидаги аудиторлар учун ҳам зиммасига жавобгарликни олишга тайёр эканлигини кўрсата билиши керак.

***– Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низомда[4] бундай ташкилотларнинг устав фонди зарур миқдорлари тўғрисида талаб бор, аммо ташкилот рўйхатдан ўтаётган пайтда устав фонди миқдори шундай бўлиши керак деб айтилмаган. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгариши билан устав фонди миқдори ҳам ўзгариши керакми?***

– Низомнинг 21-бандида белгилаб қўйилганидек, аудиторлик ташкилоти лицензия олаётганда мазкур Низомда назарда тутилган миқдорларда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиши шарт. Тинчлантириш учун айтиб қўя қолай: ташкилотингизнинг устав капиталини бир марта шакллантирган бўлсангиз, ойлик иш ҳақининг белгиланган энг кам миқдори ҳар сафар ўзгарганда устав фондига ўзгартиш киритиш шарт эмас. Адлия ва Молия вазирликлари ўз вақтида бу хусусда тушунтириш беришган. Илгарилари аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1200 баравари миқдорида устав фондига эга бўлиши керак эди, бу миқдор энг кам ойлик иш ҳақидаги ўзгаришларга қарамай ўзгаришсиз қолаверди.

***– Аудиторлик компанияси энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараварига тенг устав капиталини шакллантирди, дейлик. Бироқ кейин барча хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳуқуқини берадиган лицензия олишга қарор қилди. Бордию шу давр мобайнида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган бўлса, компания устав фондини энг кам ойлик ҳақининг 2000 бараварини тўлаб тўлдириши керакми ёки энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баравари миқдоридаги суммада шакллантирадими?***

– Аудиторлик ташкилотларида устав капитали миқдорини Қарор лицензия турига боғлиқ қилиб қўймоқда. Агар компания қайта рўйхатдан ўтмоқчи бўлса, устав фондини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда, энг кам ойлик иш ҳақининг жорий миқдорини инобатга олган ҳолда шакллантириши керак.

Масалан, бугунги кунда ташкилотнинг устав капитали 5 млн сўм бўлса, ташаббускорлик асосидаги аудит билан шуғулланиши учун унинг миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 бараварига етказиш, бинобарин 18 млн сўм бўлишини таъминлаш керак.

***– Илгариги тўпланган устав фонди миқдори ўша кезлардаги, яъни корхона рўйхатдан ўтган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақига асосланган меъёрга мувофиқ бўлганлиги сабабли, фикримизча, устав фондини қўшимча равишда шакллантиришда бу нарса албатта инобатга олиниши керак.***

– Биз ҳам бу жиҳат ҳисобга олинишини истардик. Лекин тегишли юридик тартиб-таомилларга риоя этиш зарур. Рўйхатга олиш масалалари билан Адлия вазирлиги шуғулланади. Мазкур масала бугунги кунда уларда муҳокама этилмоқда, компания олдинги рўйхатдан ўтиш чоғида энг кам ойлик иш ҳақининг 1200 баравари миқдорида устав фондини шакллантирганлигини инобатга олиш керакми-йўқми деб фикрлашилмоқда. Энг муҳими бу масала юридик нуқтаи назаридан тўғри ҳал этилишида қолди.

***– Низомнинг 3-бандида айтилишича, аудиторлик фаолияти хусусан «аудиторлик текшируви ўтказиладиган шахслардан, шунингдек ҳар қандай учинчи шахслардан мустақиллик» принципи асосида амалга оширилиши керак. Ҳар қандай учинчи шахслардан мустақиллик, чуқурроқ қаралганда, ақл бовар қилмайдиган нарса-ку?!***

– Аудитор муҳокамаси, ҳукми мустақиллиги аудиторлик фаолияти халқаро стандартларининг таянч принципларидан биридир. Бу аслида аудитор ўз фикрини ифода этаётган чоғида учинчи тарафнинг фикрини инобатга олмаслиги кераклигини англатади. Жаҳондаги кўпгина давлатларнинг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларида ҳам шу қоида мужассам. Аудиторлик текширувларини ўтказишда мустақиллик, холислик, профессионал даражадаги уқув принциплари қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилган.

Аудиторнинг фикрига аудиторлик текшируви ўтказиш учун буюртма берган хўжалик юритувчи субъект ҳам, назорат қилувчи идоралар ҳам таъсир этмаслиги керак. Аудиторлик хулосаси имзоланганидан кейин эса аудитор ўз нуқтаи назарини назорат қилувчи идоралар олдида қатъий туриб ҳимоя этиши зарур.

***– Мижозларга сурункасига уч йил хизмат қилиш билан боғлиқ чеклов хусусига келсак... Аудит бўйича чиқарилган барча дарсликларда аудиторлар асосий хатоликларни фаолиятнинг дастлабки икки йилида қилишлари мумкин деб ёзилганлигини эслайлик. Аудиторлик компаниялари ўртасида рақобатни кенгайтириш истагидаги янгилик пировардида аудиторлик хизматлари кўрсатиш сифатига зид таъсир этмасмикан?***

– Норма битта хўжалик юритувчи субъект биргина аудиторлик ташкилоти томонидан узоғи билан сурункасига уч йил текширилиши мумкинлигини белгилайди ва у идоравий аудит мавжудлиги муаммоси муносабати билан киритилган. Баъзи аудиторлик ташкилотлари битта хўжалик юритувчи субъектни 10-15 йиллаб текширадилар. Бундан улар текширувни белгиланган нормаларни бузган ҳолда ўтказадилар деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Бироқ компаниядаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини яшириш эҳтимоли бундай кезларда кўпроқ бўлади. «Enron» ва «Artur Anderson» компаниялари кечмишини шундай ҳамкорлик оқибатларига мисол тариқасида келтириш мумкин.

Табиийки, биз бунга ўхшаш ҳодисаларнинг олдини олиш чорасини кўришимиз шарт. Бир компанияга хўжалик юритувчи субъектни сурункасига уч йил текшириш имконияти беришни тавсия қилаётирмиз. Бу компания ана шу имкониятдан фойдаланиб бўлгач, мазкур мижозга, агар у истаса, консалтинг хизматларини кўрсатиши мумкин. Аудит қилишга эса бошқа аудиторлик компаниясини ёллаш керак. Пировард натижада бу аудиторлик хизматлари сифати ошишига олиб келиши лозим.

Профессионал хизматлар рўйхати хусусида шуни айтиш керакки, олдинги йилларда аудиторлик компанияси хўжалик юритувчи субъектга бошқа йўсиндаги профессионал хизмат, масалан, консалтинг хизматлари кўрсатган бўлса, ана шу корхонада аудит ўтказа олмасди. Эндиликда аудиторлик компанияси фақат иккитагина ҳолатда аудиторлик текширувида иштирок эта олмайди: у шу корхонада бухгалтерия ҳисобини юритаётган бўлса ёки ҳисобни тиклаш ишларини амалга ошираётган бўлса, шундай бўлади. Бундан бошқа чеклов йўқ.

Молия вазирлиги сизларнинг ҳар қандай таклифларингизни муҳокама этишга, ҳар қандай масала ва янги ғояларни кўриб чиқишга тайёр эканлигини таъкидламоқчиман. Таклиф амалий руҳда бўлса, қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга сабаб бўлиши мумкин. Муштарак мақсадимиз эса биздаги аудит нуфузини кўтаришдир. Бу хизмат халқаро амалиёт томонидан қўйилаётган барча талабларга жавоб берадиган бўлиши керак.

***Материал махсус мухбир Юлия ЯШИНА ва USAID A/CIPA лойиҳаси менежери Алишер САБОХИДДИНОВ томонидан тайёрланди.***

*[1] Ташкилотчилар – БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» лойиҳаси ҳамда USAIDнинг «Бухгалтерия ҳисоби ва CIPA дастурини ривожлантириш» лойиҳаси.*

*[2] «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида».*

*[3] Қонун 5-моддасининг еттинчи қисми.*

*[4] Мамлакат Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори билан тасдиқланган.*

*Олисни кўзлаган – офтобни қучар*
*(халқ матали)*

***Бўлса ҳалоллигимга сенда гар гумон,***
***Ё иш юритувимдан кўнглингда – хижил.***
***Андишани дарҳол даф эт ва ўшал он,***
***Аудитор атоғлиқ тафтишчинг чақир*.***
**Вильям Шекспир. «Тимон Афинский»**

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларидан бирида алоҳида таъкидлаб айтганидек, сўнгги беш йилда бизда аудиторлик хизмати кўрсатиш пул билан ҳисоблаганда тахминан тўққиз баробар ўсди**. Бундай ўсиш суръатларидан фахр ва ифтихор туйғусини ҳис этасан киши. Зотан аудит ва консалтингга талаб-эҳтиёжнинг ошиши айрим тармоқлар ва бутун иқтисодиётда ўсиш суръатлари жадаллашаётганидан далолат беради. Бу инвесторларнинг хоҳиш-истаги ва корхоналарнинг талаб-эҳтиёжи тақозоси бўлиб, уларнинг йирик лойиҳаларни амалга ошириш ва инвестицияларни жалб этиш олдидан ўз ишларининг очиқ-ошкоралигини янада кенгроқ кўламда таъминлаш муддаоси билан пайваста бўлиб кетади.***

# АУДИТ БОЗОРИ:
## БУЮРТМАЧИ БИЛАН ИЖРОЧИ БАҲАМЖИҲАТ БЎЛСА

Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш тобора кўпроқ сармоя талаб этмоқда. Ўз навбатида инвестор ўзи киритадиган маблағ қай йўсинда кўпайиши ва пули ўзига вақтида қайтарилиши имкониятларини билишни истайди. Бу, биринчидан, мамлакатимиз компанияларига бошқарувнинг самарали, очиқ-ойдин ва тушунарли тизими зарур эканлигини англатади. Иккинчидан, аудиторлар ва маслаҳатчилар стратегик режалаштириш, молиявий бошқариш, солиқ соҳасидаги режалаштириш ва консалтинг, бизнесни, маркетингни, муҳандислик-техник-бошқарув консалтингини ташкил этиш юзасидан юридик маслаҳатлар беришда ҳал этаётган комплекс, кўламдор ва ноанъанавий вазифалар тобора долзарблик касб этмоқда. Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда ана шу хизматларга бўлган талаб-эҳтиёж айниқса ёқилғи-энергетика, кончилик, алоқа, транспорт, банклар, машинасозлик сингари тармоқларда кучли. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда, суғурта компанияларида илгаритдан аудиторлар ва маслаҳатчиларга талаб-эҳтиёж катта эди.

Хусусийлаштириш оқибатида янги мулкдорларга берилган имкониятлар ҳозирги иқтисодиётнинг долзарб вазифасини очиқ кўрсатиб берди. Корхона мулкдорлари юқори иқтисодий ўсиш ва барқарорлик шароитида, ҳукуматнинг самарали ва изчил сиёсати жўяли таваккалчилик билан уйғун, узоқ муддатли ривожланишнинг кенг ва хилма-хил имкониятларини яратиб бераётган бир паллада бизнесни бошқарувнинг мутаносиб тизимига алоҳида зарурат сезмоқда. Бундай тизимда мулкдорнинг мақсад ва вазифалари корхона фаолиятини давлат йўли билан тартибга солишнинг мавжуд тузилмаси ҳамда тизими билан вобаста бўлади. Қарорлар қабул қилиш ҳамда ана шу қарорлар учун жавобгарликни тақсимлаш, натижаларни баҳолаш, меҳнатга изчил кўрсаткичлар бўйича ҳақ тўлаш, корхонада лавозимлар бўйича мувозий кўрсаткичларга эришиш йўналишида пухта ташкилий тузилма ва самарали тизим ишлаб чиқилиши талаб қилинмоқда. Моҳиятан олганда, гап мулкдорлар ва менежерлар иштирокида корхонани узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар ҳамда мулкдорларнинг рақобатбардош, самарали ривожланишни таъмин этадиган, узоқ вақт катта дивиденд тўловлари бериб борилишини кафолатлайдиган ва айни бир вақтда маблағларни қайта инвестициялаш ҳамда модернизациялаш сари жамлайдиган вазифалар атрофида қайта таркибий ўзгаришлар қилиш ҳақида бормоқда.

Корхоналарда анъанавий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлардан ташқари бозор улушини кўпайтириш, мижозларнинг мойиллигини ошириш, корпоратив бошқарув тизими ва принципларини кучайтириш ҳамда уларга қатъий риоя этиш, белгиланган стратегияни амалга ошириш сингари мезонлар жорий этилмоқда. Ўз навбатида давлат ана шундай жараёнларни фаол тарзда рағбатлантириб келмоқда. Хусусан мамлакат Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон, «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 22 августдаги 361-сон қарори ва юртбошимизнинг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг аниқ чора-тадбирларини ўзида мужассам этган 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарори сингари ниҳоятда долзарб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини таъкидлаш ўринлидир.

– Шу йил апрель ойида мамлакатимиз Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги ПҚ-615-сон қарори қабул қилиндики, муҳим аҳамиятга молик ана шу ҳужжатнинг шарт ва қоидалари, шак-шубҳасиз, аудиторлик хизматлари бозорини хусусан аудиторлар (маслаҳатчилар) фаолиятидан иқтисодий жамият кутаётган юксак талабларни таъминлаш ва бу ишнинг сифати даражасини ошириш соҳасида такомиллаштириш ҳамда туб бурилиш ясашни талаб этади.

Кейинги йилларда қонун ҳужжатлари билан жуда қаттиқ бошқарилаётган тармоқлар, айтайлик улгуржи ва чакана савдода ёки аксинча, нисбатан заифроқ бошқарилаётган тармоқлар, айтайлик лизинг соҳасида аудит ва консалтингга талаб-эҳтиёж ошди. Бу назорат қилувчи идоралар томонидан эътирозлар бўлиши имкониятлари билан боғлиқ хатарлар самараси бўлса эҳтимол. Ўз навбатида бу ҳол битимларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва солиқ соҳасидаги таҳлилига бўлган комплекс хизматларга талаб-эҳтиёжни шакллантирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, инвестиция институтлари, бинокорлик материаллари саноати ва умуман қурилиш, фармацевтика, озиқ-овқат ва енгил саноат, уй-жой-коммунал хўжалигининг аудит ва консалтинг хизматларига талаби нисбатан кучли эмас. Шуни ҳам назарда тутиш кераки, айрим тармоқларда ҳозирги кунга қадар расман мустақил, аммо тармоқ ассоциациялари, концернлар ва холдинглар «пинжига кириб олган» аудиторлик ташкилотларининг монополлиги сақланиб қолмоқда. Табиийки, бунда рақобатлашув шароитига, хизматларнинг сифатини таъминлашга ўрин йўқ.

Давлат секторида бундай хизматларга талаб-эҳтиёж даражаси унча юқори эмас. Давлат ҳокимияти органлари, айниқса маҳаллий органларда бундай хизматларга эҳтиёж сезилмайди ҳисоб. Ҳолбуки, ҳудудий ва тармоқ ривожланиш дастурларини шакллантириш ва улар билан ҳамқадам бўлиш, иқтисодий ислоҳотларни биргаликда ўтказиш хизматлари долзарблик касб этиши мумкин. Вазирликлар ва давлат қўмиталари аудит қадами етмаган муассасалар қаторидан чиқа олмаяпти.

Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, давлат ташкилотлари турли битимлар тузишда фойдаланиладиган давлат мол-мулкини баҳолаш, ахборот порталларини яратиш, электрон ҳужжат айланишини йўлга қўйиш хизматларига мунтазам равишда буюртмалар берадилар. Аудиторлар ва маслаҳатчиларнинг яқдиллик билан эътироф қилишларига қараганда, давлат тузилмалари билан иш олиб бориш хусусий сектор билан иш олиб боришдан ҳам нозикроқдир.

Давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги устидан назорат вазифасини амалга ошириш билан боғлиқ хизматларга яқин орада давлат даражасидаги истеъмолчилар талаб-эҳтиёжи ортади деб мўлжалланмоқда. Бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилганлиги, давлат мулки улуши бўлган корхоналарнинг ҳисоботларини унификация қилиш ва бундай ҳисоботларнинг махсус шаклларини тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини текшириш таркибий тузилмавий ўзгартишлар ва ислоҳотлар қилиш, товарлар ва хизматларнинг давлат харидларининг танлов ҳамда тендерларини иқтисодий ва ҳуқуқий йўналтириш сингари махсус масалалар аудитига эҳтиёж кучаяди. Мамлакат Президентининг ПҚ-475-сон қарори билан киритилган норма ана шу тамойилнинг билвосита тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Мазкур нормага биноан устав капиталида давлат акциялари (улушлари) пакети 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкий қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, хусусий компаниялар менежменти жорий вазифалар ўз вақтида, фойдали тарзда ҳал этилишига эришиш ҳаракатида бўлса, давлат тузилмалари учун энг оқилона ечим топиш устувор ҳисобланади. Чунки бу усулни кўп бора текширадилар ва баҳо берадилар. Ана шулар аудиторлар билан маслаҳатчиларга мамлакатимизнинг иқтисодий вазифалари қатори сиёсий ва ижтимоий вазифаларини ҳам амалга оширувчи мураккаб тизимлар билан ишлашда тажриба орттириш имконини беради. Бундай лойиҳалар янада кучлироқ ижро интизомини, ишбилармонликда юксак маданиятни, ўртага қўйилган вазифаларни, кўндаланг турган муаммоларни ҳал этишга янада вазминроқ, синчковлик билан, пухта ўйланган тарзда ёндашувларни талаб қилади. Кўпгина мамлакатларда давлат лойиҳалари рентабеллиги паст, аммо тажриба нуқтаи назаридан жозибадор ва нуфузли ҳисобланади.

Бозор шароитидаги тўла иқтисодий мустақиллик хўжалик юритувчи субъект ўз фаолияти натижалари учун, шу жумладан тугатиш ва банкротликкача олиб борган натижа учун тўла жавоб беришини тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир тадбиркорлик тузилмаси ўз ечимини иқтисодий жиҳатдан асослаб бермоғи керак. Айни ана шунда мутахассисларнинг хизматлари жуда асқотади. Аудитор (маслаҳатчи) бухгалтерия (молия) ҳисоботи тўғрилигини аниқлаб беради, содир этилган молия-хўжалик операцияларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос эканлигини белгилайди, корхонанинг молия-хўжалик аҳволини яхшилаш юзасидан услубий ёрдам кўрсатади, бухгалтерия ҳисобида талаб даражасида тартиб ўрнатилишига ҳамда солиқ билан боғлиқ таваккалчиликлар пасайишига кўмаклашади. Ҳозирги вақтда аудиторлик компаниялари турли ташкилотлар олдида, низоли ҳолларда буюртмачиларнинг манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши амалиёти кенг тарқалган.

Малакали аудиторлар хизматлари корхоналарнинг иқтисодий аҳволига ижобий таъсир ўтказмоқда. Чунки бу энг аввало менежмент самарадорлигини анчагина ошириш имконини бермоқда. Шу сабабли корхона аудиторлик ташкилотини тўғри танлашида гап кўп.

Ўн йиллар муқаддам Ўзбекистонда аудитор касби, бизнес соҳасида маслаҳатчи борлигини фақатгина мутахассислар билишарди, холос. Эндиликда бундай хизматлар бозорида турли даражадаги кўплаб компаниялар фаолият олиб бораётган бир шароитда аудиторларни оқилона танлаш масаласи муҳим бўлиб қолди. Бироқ кўпгина ҳолларда бу иш ўз-ўзидан қабилида бўлмоқда. Танловда асосий мезон хизматлар қиймати бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳада мазкур мезон мутлақо самарали эмас. Келгусида буюртмачи рутбасини оладиганлар учун бундай кезларда ҳамкорликка тегишли тажрибаси ва малакаси бўлмаган ташкилотлар ёки мутахассисларни, ҳатто тасодифий, баъзан эса ноинсоф одамларни жалб қилиш эҳтимоли оз эмас. Моҳият эътибори билан, бу буюртмачидан буюртмачига ниначидек учиб юрувчи сохта аудиторларни жалб этиш билан маблағлар беҳуда совурилди демак. Бундай «ҳамкорлик» оқибатда буюртмачи назорат қилувчи идоралар ва ҳуқуқни-муҳофаза қилиш органлари томонидан маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ишга жазм этганда буюртмачи ана шуни унутмаслиги керак.

Аудит консалтинг каби икки шерикнинг – корхона мулкдори (раҳбари) билан аудиторнинг (маслаҳатчининг) ўзаро ҳамкорлигини, яъни буюртмачи ва ижрочи ҳамжиҳатлигини назарда тутади. Уларнинг ҳар бири кутилаётган натижани ва бажариладиган иш усулларини ҳар хил тасаввур этиши мумкин. Аудиторлар (маслаҳатчилар) қандай ишлашни ҳам тузукроқ билмайди, ҳар бир ишни мураккаблаштиришга ҳаракат қилади, керак бўладиганидан ҳам кўпроқ ахборот талаб қилади, вазифани бажаришга кетадиган вақтни ошириб кўрсатади, хизматига керагидан ҳам кўпроқ ҳақ талаб қилади деб ҳисоблайдиган буюртмачилар ҳам йўқ эмас.

Буюртмачи аудитор (маслаҳатчи) билан ўзаро муносабатларини шундай йўлга қўйиши кераки, бунда, биринчидан, ўз муаммоларини, уларнинг сабаб ва оқибатларини бошланишиданоқ аниқ белгилаб олиши керак. Агар у муаммони рўй-рост айтсагина аудитор (маслаҳатчи) топшириқни самарали бажариши мумкин. Лекин ҳаммага аён ҳолларни истисно этганда у, одатда, муаммонинг моҳияти ва унинг ечими мураккабликлари тўғрисида ўзича хулоса чиқаришни истайди. Уларнинг муаммони белгилаб олишлари ҳам кўп жиҳатдан бирбиридан фарқ қилиши мумкин. Кўпинча раҳбарлар вазият ҳақидаги ўз тасаввурлари оламига шўнғиб кетиб, ишларнинг аҳволини яхлитликда кўра билмайдилар ёки ҳақиқий муаммо юзасидан эмас, фақат унинг белгилари юзасидан фикр юритадилар. Баъзан улар аудитор (маслаҳатчи) масала моҳиятини мустақил очиб беришини ва лозим даражада таърифлашини маъқул деб биладилар.

***Олег ДАМИНОВ,***
***«Flagman Universal Partners» аудиторлик компанияси бошқаруви раиси.***

*Давоми бор.*

* *Рихсивой Қосимов таржимаси.*
** *И.А.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.*

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ

## *Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди*

(халқ мақоли)

***Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда устувор вазифалар қаторига кўтарилди. Кичик ва хусусий бизнес ҳар тарафлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу борада бир қанча имтиёзлар назарда тутилган, шунингдек ҳуқуқий ҳимоя кафолатланган. Мамлакат Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июнда қабул қилинган ПФ-3619-сон Фармони хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш, молиявий санкциялар қўллаш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва шу сингари судга бевосита тааллуқли ваколатлар назорат қилувчи бошқа органлар томонидан амалга оширилиши амалиётига чек қўйди. Бундан ташқари Олий суд ва Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сон қароридан келиб чиқиб, судлар тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўлланиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётганда солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги барча бартараф этиб бўлмас шубҳалар, зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин этилади.***

***Булар бор гап. Аммо тадбиркорлик субъекти ўз ҳуқуқларини билишидан ташқари бизнесини ҳимоя этиши учун ўзига берилган барча қонуний воситалардан фойдалана олиши ҳам керак. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номли республика суд экспертизаси марказининг суд-иқтисодий (бухгалтерлик) экспертизаси бўлими раҳбари Нина СЕРДОБИНЦЕВАдан тадбиркорларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилишига қаратилган айрим усуллар тўғрисида гапириб беришни сўрадик.***

***Суҳбатдошни таништирамиз:***
***Нина Александровна СЕРДОБИНЦЕВА.*** *Иқтисодчи, малакали суд эксперти. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номли суд экспертизаси республика марказида 1982 йилдан буён ишлайди. Кейинги 16 йил мобайнида шу марказнинг суд-иқтисодий экспертизаси бўлимига бошчилик қилиб келмоқда.*

– Прецессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ айбланувчи, худди шунингдек унинг ҳимоячиси иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаш тўғрисида терговга, судга илтимоснома билан арз этиш ҳуқуқига эга. Суд-иқтисодий экспертиза тайинланишини сўраш тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Судлар иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни тергов қилиши ва кўриб чиқишида контрагентларнинг ўзаро муносабатларини тўғри баҳолашда суд-иқтисодий экспертизага катта роль ажратилмоқда.

Фуқаролик, хўжалик ишлари, шунингдек жиноят ишлари бўйича бундай экспертизани ўтказиш турли даъволар, камомадлар ўрнини қоплашга доир низоли ва даъволашилаётган ҳисоб-китоблар билан боғлиқ, баҳоларни индексациялаш, зиммага олинган мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатидаги моддий зарар ва зиён суммаларини, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматини ҳисобга олган ҳолда муайян сумма ундириш тўғрисидаги, жарималар, турли тўловлар, бой берилган фойда тўғрисидаги ҳамда бухгалтерия, молия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасидаги махсус билимларсиз иш чиқмайдиган бошқа низолар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва тергов қилишда керак, усиз даъво талабларининг асослилиги ва миқдорини аниқлаш қийин бўлади.

Кўпгина жиноят ишлари, хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича суд-иқтисодий экспертиза товар-моддий бойликлар, пул маблағлари камомади оқибатида; корхона ва муассасаларнинг ўзларида ишлаётган ёки ишлаган моддий жавобгар шахсларга ёхуд бир корхонанинг бошқа корхонага бўлган даъво предмети ҳисобланувчи мажбуриятлар бажарилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини аниқлаш учун тергов органлари ва судлар томонидан тайинланади.

Суд-иқтисодий экспертизасининг хулосаси кўпинча айрим корхоналарнинг бошқа тадбиркорлик субъектлари ва муассасаларга нисбатан товар-моддий бойликлар учун, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарзни, олинмай қолган даромадларни ундириш тўғрисидаги даъволари муносабати билан ҳам керак бўлади.

***– Жиноят иши доирасида ўтказиладиган суд-иқтисодий экспертиза фуқаролик ва хўжалик ишлари доирасида ўтказиладиган шундай текширишлардан нимаси билан фарқ қилади?***

– Одатда, жиноят ишлари бўйича тафтиш (текширув) иши юритилгунга қадар суд-иқтисодий экспертиза тайинланмайди. Чунки айнан тафтиш (текширув) асносида аниқланган фактларни (солиқлар кам тўланганлиги, камомад, товар-моддий бойликлар ортиқ чиққанлиги, моддий зарар; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритиш тартиби бузилганлиги) акс эттирувчи материаллар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли жиноят ишлари бўйича ҳужжатлар ва далилларни тўплаш тамомила тафтиш ихтиёридаги ишдир.

Ишда барча зарур материаллар, хусусан бирламчи ва йиғма бухгалтерия ҳужжатлари, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари, инвентаризация рўйхати, қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари, солиштирув қайдномалари ва бошқалар жамул-жам бўлган ҳолларда суд-иқтисодий экспертиза ҳужжатли тафтиш далолатномасисиз ҳам ўтказилиши мумкин. Тафтиш вақтида аниқланган фактларнинг тўғрилиги текширув мобайнида аниқланади. Бу эса қўшимча ёки такрорий текширув, шунингдек суд-иқтисодий экспертиза тайинлашга сабаб бўлиши мумкин.

***– Солиқ органлари ёки аудиторлик фирмаларининг хулосалари ва улар томонидан ўтказилган текширувларнинг далолатномаларини судлар суд-иқтисодий экспертиза хулосаси ўрнига қабул қилиши мумкинми? Эксперт хулосасини ДСИ ходимлари ёки аудиторлар хулосалари билан қиёслаш ўринлими?***

– Афсуски, суд-тергов амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, солиқ органлари ва аудиторлик фирмалари томонидан тақдим этилган хулосалар ва текширув далолатномалари кўп ҳолларда иш бўйича асосий далил бўлиб қолади, бунда суд-иқтисодий экспертиза тайинламайдилар. Ҳолбуки Жиноят-процессуал кодексининг 172-моддасида назарда тутилишича, **ҳеч бир** тафтиш ҳужжатлари экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмайди. Кўп йиллик тажрибага асосланиб айтишим мумкинки, ҳужжатли текширувларнинг (тафтишларнинг) далолатномалари сифати кўпинча анчагина паст бўлади ва аксарият ҳолларда суд-иқтисодий экспертиза ўтказишни тақозо этади.

Жиноят ишида турли, баъзан битта текширувчи идора (солиқ органи, аудиторлик фирмаси ва шу сингарилар) томонидан ўтказилган текширувларнинг бир-бирига зид бир неча талаб далолатномалари учрайди.

***– Ана шундай ҳужжатли текширувларга хос, энг кўп учрайдиган камчилик ва нуқсонларни айтиб бером айсизми?***

### ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲИМОЯ ЭТИЛИШИГА ОИД РАҚАМЛАР ВА ФАКТЛАР

*Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларига шу йилнинг биринчи чораги мобайнида тадбиркорлик субъектларидан уч мингдан ортиқ шикоят ва ариза тушди. Улар ўрганиб чиқилганда 61,3 фоизи ўз тасдиғини топди ва қонунда белгиланган тартибда ҳал этилди. Мурожаатларнинг аксарият қисми назорат қилувчи идоралар ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари билан боғлиқдир. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг хабарларига қараганда ана шу давр мобайнида амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жами 55 мингга яқин ҳолат аниқланган. Мониторинг якунларига кўра Хоразм, Навоий, Тошкент, Бухоро ва Сирдарё вилоятлари энг муаммоли минтақа бўлиб чиқди.*

*Тадбиркорлар, фуқаролар ва чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ҳисобот даврида адлия органлари томонидан мингдан ортиқ тақдимнома, 838 огоҳлантириш ва 183 кўрсатма киритилган. Натижада 1 300 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган, 87 киши эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган. Бундан ташқари бошқарув органларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга доир 332 та ноқонуний қарорлари бекор қилинган.*

*Адлия органларининг таклифларига мувофиқ 80 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка жалб этилган, 20 нафар шундай шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.*

– Бажонидил. Бундай камчиликлар аслида кўп эмас, лекин бот-бот учрайди. Улар жумласига хусусан қуйидагилар киради:

✓солиқ тўловчига нисбатан қонунларнинг ва амалдаги йўриқномаларнинг қоидаларига асосланмаган талаблар билдириш;

✓моддий харажатлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларини қўшилган қиймат солиғи тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги борасида ялпи тарзда текширув ўтказилмаслиги;

✓қимматликлар ҳаракатининг айрим фактлари инвентаризация материаллари маълумотлари билан боғланмаганлиги;

✓ҳисоб-китоб бўйича қолдиқни текширмасданоқ инвентаризация зарарига ўтказиб юбориш;

✓муайян операциялар учун асос бўлган бир қанча ҳужжатлар йўқ эканлигига қарамай, ҳисоботлардаги маълумотларни асос учун қабул қилиш;

✓ҳисоб бўйича қолдиқни ҳақиқий қолдиқ билан қиёсламай туриб узил-кесил якун чиқариш (камомад ёки ортиқчаликни белгилаш);

✓сайлама усул билан тафтиш ўтказиш ва бунда фақатгина айрим қоидабузарликларни кўрсатиб қўя қолиш;

✓хулосаларни ҳужжатлар асосида эмас, балки кўрсатмалар, тилхатлар, маълумотномалар асосида таърифлаш;

✓текшириш даври бошланишига бўлган натижани инвентаризация далолатномаси бўлмаса ҳам белгилаш;

✓ҳужжатларни инвентаризация даври бўйича текшириш ўрнига оралатиб таҳлил этиш;

✓моддий жавобгар шахслар фаолиятининг фақатгина муайян даврларини текшириб қўя қолиш;

✓чакана савдо корхоналарини текшираётганда миқдор-сумма ҳисобини тиклаш усулини қўлланиш (услубий жиҳатдан бу нотўғри);

✓ текширув ўтказиш ва натижаларни белгилаш услубиятини билмаслик.

Бир мисол. «С» деган фирмага солиқ солинадиган база нотўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги факти юзасидан очилган жиноят иши бўйича терговчи ана шу фирма илтимосномаси билан суд-иқтисодий экспертиза тайинлайди. Бундан мақсад хўжалик юритувчи субъектнинг фондга қўшимча маблағ ўтказишга доир эътирозларининг асослилигини аниқлашдан иборат эди. Эксперт ДСИ текширувчилари корхонанинг воситачилик ҳақи суммасини эмас, балки товар айланмасини (!) мажбурий ажратмалар тўлаш объекти деб ҳисоблаганликларини аниқлади. Суд экспертлари илмий асосланган усулларни қўлланиш ҳамда хулоса бериш учун зарур ҳужжатларни (контрактлар, шартномалар, сертификатлар, битимлар, юкхатлар, тўлов ҳужжатлари ва расмий-ҳуқуқий ҳужжатлар) таҳлил этиш асосида фирманинг биржа дилер савдоси сифатидаги воситачилик фаолияти ҳужжатли тасдиғига эга деган хулосага келди ҳамда мажбурий ажратмалар тўлаш объекти товар айланмаси ҳажми эмас, балки воситачилик ҳақи миқдори бўлиши керак деб топди. Фирма учун бу икки хил ёндашувдаги фарқ ҳазилакам эмаслиги ҳақида гапирмаса бўлади.

Бўлимимиз экспертларидан ёрдам сўралган яна бир мурожаат ҳам ибратлидир. Тошкентдаги хусусий корхоналардан бирининг 2002-2003 йиллардаги фаолияти режа асосида текширилганда солиқ хизмати ходимлари улгуржи-чакана савдони амалга оширганлик учун қатъий белгиланган солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолларини аниқладилар. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, даъволар миқдори 1,982 миллион сўмни ташкил этарди. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талаблари ва нормаларини инобатга олган ҳолда эксперт томонидан ўтказилган суд-иқтисодий экспертиза ДСИ текширувининг мазкур далолатномаси билан ҳақиқий ҳолат ўртасида анчагина тафовут борлигини аниқлаш имконини берди. Экспертнинг важларига биноан 658 455 сўм миқдоридаги даъво суммаси асосли деб топилди.

Нина Сердобинцеванинг сўзларига қараганда, тергов ва суд томонидан иқтисодий экспертизаларнинг тайинланиши текширув (тафтиш) хулосалари билан иш материаллари ўртасида, шунингдек дастлабки ва такрорий текширув (тафтиш) хулосалари ўртасида зиддиятлар борлиги, моддий зарар суммасини аниқлашда қўлланган текширув усуллари тўғрилиги борасидаги шубҳа; тадбиркор экспертиза тайинлаш тўғрисида асослантирилган илтимоснома арз қилганлиги; тафтишчи тадбиркор тақдим этган ҳужжатларни инобатга олмаганлиги; ишда бошқа ихтисосдаги экспертларнинг хулосалари мавжудлиги тақозосидир.

Экспертларимиз олдига кўпинча моддий қимматликларни уларнинг номи бўйича алоҳида кирим қилинганлигининг асослилиги, хизматлар ва товар-моддий бойликлар юзасидан ҳисоб-китоб операциялари ҳисобини юритиш тўғрилиги, пул маблағларини кирим қилиш, ҳисобдан чиқариш, тўлаш ва ҳисобдан чиқариш асослилиги, камомад ҳосил бўлган даврда ёки асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилган даврда ҳужжатлардаги маълумотларга кўра моддий қимматликлар ва пул маблағлари қайси моддий жавобгар шахслар ҳисобида бўлса, шу шахслар доирасини, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва назоратни юритишга доир талаблар бажарилишини таъминлайдиган мансабдор шахсларни аниқлаб олиш билан боғлиқ қатор масалалар кўндаланг қилиб қўйилади.

***– Қандай ҳолларда экспертиза ўтказиш рад этилиши мумкин?***

11-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– «2007/2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**

– ЎзР Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## 2007/2008 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 22-сон, 226-модда)*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг талаблари ва мақсад-вазифаларига мувофиқ ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқлари, айниқса, янги юқори технологиялар, ахборот ва компьютер тизимлари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис, ижтимоий таъминот соҳаларида замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш ҳамда олий тоифали тиббиёт ҳамширалари, шунингдек, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни таъминлаш мақсадида:

1. 2007/2008 ўқув йилида:

бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51604 нафар, шу жумладан, 19945 нафар давлат грантлари ва 31659 нафар тўлов-контракт асосида олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага* мувофиқ;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 6570 нафар, шу жумладан, 1510 нафар давлат грантлари ва 5060 нафар тўлов-контракт асосида олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага* мувофиқ;

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, шунингдек, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул сони 5665 нафар, шу жумладан, 1265 нафар давлат грантлари ва 4400 нафар тўлов-контракт асосида олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 3-иловага* мувофиқ белгилансин.

2. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

3. 2007/2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Давлат комиссиясига, тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, белгиланган умумий қабул квоталари доирасида олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратураси қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Қосимов) уч ой муддатда республиканинг олий ўқув муассасаларида магистрлар тайёрлаш ишлари ҳолатини пухта ўрганиб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасининг «Мутахассисларни магистрлик бўйича тайёрлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007/2008 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат, магистратура ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабул квоталарини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 30 май*
*ПҚ–645-сон.*

***1-4-иловалар берилмайди.**

Хизматлар лицензияланган
KAPITALBANK 132 - 07 - 03
Бир мақсадга интилиб
Муваффақиятга эришамиз

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,*
*ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3860-сон Фармонига мувофиқ қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*47-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2007-29-сон*

***Иқтисодиёт вазири***
***Б.ХЎЖАЕВ.***
*21-сон*

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
***С.НОСИРОВ.***
*01-02/8-11-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 27 апрель.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,*
*Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг*
*2007 йил 27 апрелдаги 47, 21, 2007-29, 01-02/8-11-сон қарори билан*
ТАСДИҚЛАНГАН

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3860-сон Фармонига мувофиқ, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**янги технологик жиҳоз** – аввал фойдаланилмаган технологик жиҳоз;

**модернизациялаш** – асосий воситалар объектини технологик ёки хизмат мақсадини ўзгартириш, уларнинг унумдорлигини ошириш ёки бошқа сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган ишлар;

**техник ва технологик қайта жиҳозлаш** – илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан янгилаш асосида асосий воситалар ёки уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи. Техник ва технологик қайта жиҳозлаш янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ишлаб турган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади.

2. Янги технологик жиҳозни сотиб олувчи, ўз ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектларига даромад солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган технологик жиҳозларга божхона тўловлари бўйича (қўшилган қиймат солиғи, импорт бож тўловлари) имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддаси ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ тақдим этилади.

3. Лизинг объектини қўшимча лизингга беришда, ушбу Низомда белгиланган имтиёзлар (божхона тўловлари бўйича имтиёзлардан ташқари) қўшимча лизингни олувчига тааллуқли бўлади. Бу ҳолда лизинг объектини қўшимча лизингга берувчи лизинг олувчига ушбу Низомда назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

4. Солиқ имтиёзлари (мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар бундан мустасно) янги жиҳоз ишлаб чиқаришга жорий этилган ёки ўз ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш амалга оширилган навбатдаги солиқ давридан бошлаб қўлланилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган тартибда тақдим этилади.

Янги киритилаётган технологик жиҳоз бўйича имтиёзларни қўллаш учун даромад солиғи, ягона солиқ тўлови

ва мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китобларга қайта киритилаётган янги технологик жиҳозни фойдаланишга топшириш санаси кўрсатилган, корхона раҳбари ёки у томонидан вакил қилинган шахс томонидан тасдиқланган ихтиёрий шаклдаги Маълумотнома илова қилинади.

5. Мазкур Низомни қўллаш мақсадларида ҳисобот солиқ даври деганда чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тушунилади.

## II. СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

### § 1. Даромад солиғи бўйича имтиёзлар

6. Даромад солиғи бўйича имтиёз уч йил мобайнида ўз ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ солиш базасини камайтириш кўринишида тақдим этилади.

7. Кредитни (лизингни) тўлашда солиқ солиш базасидан асосий қарз суммасини (лизинг объекти қийматини) тўлашга сарфланган сумма чиқариб ташланади.

8. Солиқ солиш базасини ҳисоблашда жиҳозларни сотиб олиш учун фойдаланилган маблағлар фақат бир марта чегириб ташланади. Масалан, агарда солиқ солиш базаси кредит (лизинг) ҳисобига олинган жиҳоз қийматига камайтирилган бўлса, у ҳолда ушбу кредитни (лизинг объекти қийматини) тўлашга сарфланган маблағлар солиқ солиш базасидан чегириб ташланмайди.

9. Солиқ солиш базасини ўз ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга ва лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилиши келгуси уч йил давомида амалга оширилади. Агар жорий солиқ даврида юқорида таъкидлаб ўтилган мақсадлар учун йўналтириладиган маблағлар суммаси солиқ базасидан ошса, қолган сумма келгуси солиқ даврларида ўрнатилган муддатда чегирилиб бориши мумкин.

Бунда, солиқ солиш базасининг камайтирилиши ҳар ҳисобот даврида ўсиб борувчи якун билан амалга оширилади.

10. Агар ҳисобот солиқ даврида ҳисобланган амортизация суммаси ўз ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар суммасидан юқори бўлса, ушбу ҳисобот солиқ даври учун даромад солиғи бўйича солиқ солиш базасини камайтирилиши амалга оширилмайди.

11. Мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган имтиёзни қўллаш учун корхоналар ҳисобот солиқ даври учун даромад солиғининг ҳисоб-китобига даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасини камайтирадиган ўз ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар суммаси тўғрисидаги ҳисоб-китоб-маълумотномани мазкур Низомнинг 1-сон иловасида келтирилган шаклда илова қиладилар. Ҳисоб-китоб-маълумотномани тўлдириш бўйича шартли мисоллар мазкур Низомнинг 2 ва 3-сон иловаларида келтирилган.

### § 2. ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗ

12. Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун беш йил давомида солиқ солиш базасини харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиқ солиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтириш кўринишида тақдим этилади.

Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз технологик жиҳозга унинг харид қилиш манбаидан (ўз маблағлари, ёки қарзга олинган маблағлар, шу жумладан лизинг) қатъи назар берилади.

13. Солиқ солиш базасининг камайтирилиши технологик жиҳоз ишлаб чиқаришга киритилган ҳисобот солиқ давридан бошлаб амалга оширилади. Бунда, ҳар бир ҳисобот солиқ даврида солиқ солиш базасидан чегирилиши лозим бўлган маблағ суммаси солиқ солиш базасининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.

Агар қайта киритилаётган жиҳознинг қиймати жорий солиқ даврда солиқ солиш базасининг 25 фоизидан ошиб кетса, у ҳолда ортган сумма келгуси солиқ даврларида ўрнатилган муддат доирасида, белгиланган чеклашларни ҳисобга олиб чегирилиши мумкин.

14. Мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган имтиёзни қўллаш учун корхоналар жорий ҳисобот солиқ даври учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солиш базасини камайтирадиган янги технологик жиҳозни харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммаси тўғрисидаги ҳисоб-китоб-маълумотномани мазкур Низомнинг 4-сон иловасида келтирилган шаклда илова қиладилар. Ҳисоб-китоб-маълумотномани тўлдириш бўйича шартли мисол мазкур Низомнинг 5-сон иловасида келтирилган.

### § 3. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗ

15. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз қайта киритилаётган янги технологик жиҳоз ишлаб чиқаришга киритилган пайтдан бошлаб беш йил муддатга озод этиш кўринишида берилади.

16. Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобига илова қилинадиган солиқ солинмайдиган мол-мулк рўйхатида алоҳида сатрда ишлаб чиқаришга қайта киритилаётган янги технологик жиҳознинг қолдиқ қиймати белгиланган имтиёз даври давомида кўрсатилиши лозим.

### § 4. БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗ

17. Божхона тўловлари бўйича имтиёз технологик жиҳоз ва унга тегишли бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг қўшилган қиймат солиғи ва импорт божхона божларидан озод қилиш кўринишида берилади.

18. Технологик жиҳозни қўшилган қиймат солиғи ва импорт божхона божларидан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланадиган технологик жиҳозлар рўйхатига мувофиқ қўлланилади.

19. Олиб кирилаётган технологик жиҳозга тегишли бўлган бутловчи ва эҳтиёт қисмлар қўшилган қиймат солиғи ва импорт божхона божларидан технологик жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида бутловчи ва эҳтиёт қисмлар технологик жиҳоз билан бир тўпламда етказиб бериш кўзда тутилган ҳолларда озод этилади.

20. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар татбиқ этиладиган технологик жиҳоз олиб кирилаётганда, божхона юк декларациясининг (БЮД) «Преференцийлар» номли 36-устунида божхона тўловларидан озод қилинишининг тегишли кодлари кўрсатилади.

## III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21. Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган

пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, мазкур Низомда кўрсатиб ўтилган солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга тегишли солиқлар ва божхона тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади.

Бунда технологик жиҳозни устав фондига (капиталга) улуш сифатида бериш, лизинг берувчи лизинг шартномаси шартлари бўйича лизинг олувчига эгалик ҳуқуқини бериши, шунингдек лизинг олувчи технологик жиҳозни қайтариладиган лизинг шартномасига мувофиқ лизинг берувчига сотиши технологик жиҳозни сотиш ёки текинга бериш деб қаралмайди.

22. Мазкур Низомда белгиланган имтиёзларнинг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасиинг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

*Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА*

Корхона штампи
Давлат солиқ инспекциясига
________________________
________________________
(корхонанинг тўлиқ номи)

СТИР | | | | | | | | | |

**Даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасини камайтирадиган модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар суммаси тўғрисида**

**ҲИСОБ-КИТОБ – МАЪЛУМОТНОМА**

**________________йил учун**

| *Кўрсаткич номи* | *Сатр коди* | *(сўм)* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *Ҳисобот солиқ даври* | | | |
| | | *1-чорак* | *ярим йиллик* | *9 ойлик* | *йил* |
| Ўтган солиқ даврларда инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи суммаси — жами* | 010 | | | | |
| Шу жумладан: | | | | | |
| йил учун | 0101 | | | | |
| йил учун | 0102 | | | | |
| йил учун | 0103 | | | | |
| Ҳисобланган амортизация суммаси | 020 | | | | |
| Маблағларнинг инвестицияларга сарфланиши, жами | 030 | | | | |
| Шу жумладан: | | | | | |
| Модернизациялашга | 0301 | | | | |
| Техник ва технологик қайта жиҳозлашга — жами | 0302 | | | | |
| Улардан: | | | | | |
| Жорий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгилаш учун харид қилинган янги технологик жиҳозни ишлаб чиқаришга жорий этиш | 03021 | | | | |
| Кредитни тўлаш | 03022 | | | | |
| Лизинг объекти қийматини қоплаш | 03023 | | | | |
| Инвестицияларнинг ҳисобланган амортизация суммасидан ортиши (010-сатр + 030-сатр – 020-сатр) | 040 | | | | |
| Инвестиция харажатлари чегирмаларини ҳисобга олмаган ҳолда солиқ солиш базаси [Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобининг 100-сатр – 110-сатр] | 050 | | | | |
| Солиқ солиш базасини инвестиция суммасига камайтирилиши (040-сатр, бироқ 050-сатрдан юқори эмас) ** | 060 | | | | |
| Солиқ ҳисобот даврида инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи суммаси (040-сатр – 060-сатр) | 070 | X | X | X | |

*Изоҳ:*

**) 010-сатрда ўтган солиқ даврида қопланмаган маблағлар қолдиғи кўрсатилади. Мазкур қолдиқ солиқ даври давомида ўзгартиришларсиз кўрсатилади.*

***) Даромад солиғини ҳисоблашда Даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китобининг 120-сатри мазкур Ҳисоб-китоб маълумотноманинг 060-сатрида кўрсатилган инвестиция суммасига камайтирилади.*

Корхона раҳбари ______________ ______________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер ______________ ______________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

20___ й. "___" ___________

М.Ў.

*Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

Корхона штампи
Давлат солиқ инспекциясига
_________________________
_________________________
(корхонанинг тўлиқ номи)

СТИР | | | | | | | | | |

**Даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасини камайтирадиган модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар суммаси тўғрисида**

**ҲИСОБ-КИТОБ - МАЪЛУМОТНОМА**

**_______2007________йил учун**

**(шартли мисол)**

*(сўм)*

| *Кўрсаткич номи* | *Сатр коди* | *Ҳисобот солиқ даври* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *1-чорак* | *ярим йиллик* | *9 ойлик* | *йил* |
| Ўтган солиқ даврларда инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи суммаси - жами* | 010 | - | - | - | - |
| Шу жумладан: | | | | | |
| ________йил учун | 0101 | | | | |
| ________йил учун | 0102 | | | | |
| ________йил учун | 0103 | | | | |
| Ҳисобланган амортизация суммаси | 020 | 200 | 600 | 1000 | 1400 |
| Маблағларнинг инвестицияларга сарфланиши, жами | 030 | 1200 | 1200 | 1200 | 1200 |
| Шу жумладан: | | | | | |
| Модернизациялашга | 0301 | - | - | - | - |
| Техник ва технологик қайта жиҳозлашга – жами | 0302 | 1200 | 1200 | 1200 | 1200 |
| Улардан: | | | | | |
| Жорий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгилаш учун харид қилинган янги технологик жиҳозни ишлаб чиқаришга жорий этиш | 03021 | 1200 | 1200 | 1200 | 1200 |
| Кредитни тўлаш | 03022 | - | - | - | - |
| Лизинг объекти қийматини қоплаш | 03023 | - | - | - | - |
| Инвестицияларнинг ҳисобланган амортизация суммасидан ортиши (010-сатр + 030-сатр – 020-сатр) | 040 | 1000 | 600 | 200 | -200 |
| Инвестиция харажатлари чегирилгунга қадар солиқ солиш базаси [Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобининг 100-сатр – 110-сатр] | 050 | 300 | 500 | 1000 | 1400 |
| Солиқ солиш базасини инвестиция суммасига камайтирилиши (040-сатр, бироқ 050-сатрдан юқори эмас) ** | 060 | 300 | 500 | 200 | - |
| Ҳисобот солиқ даврида инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи суммаси (040-сатр – 060-сатр) | 070 | X | X | X | - |

*Изоҳ:*

**) 010-сатрда ўтган солиқ даврида қопланмаган маблағлар қолдиғи кўрсатилади. Мазкур қолдиқ солиқ даври давомида ўзгартиришларсиз кўрсатилади.*

***) Даромад солиғини ҳисоблашда Даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китобининг 120-сатри мазкур Ҳисоб-китоб маълумотноманинг 060-сатрида кўрсатилган инвестиция суммасига камайтирилади.*

Корхона раҳбари ____________ ____________________

*(имзо)* *(Ф.И.Ш.)*

Бош бухгалтер ____________ ____________________

*(имзо)* *(Ф.И.Ш.)*

20___ й. "___" ____________

М.Ў.

*Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*3-ИЛОВА*

Корхона штампи
Давлат солиқ инспекциясига
__________________________
__________________________
(корхонанинг тўлиқ номи)

СТИР [ | | | | | | | | | ]

**Даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасини камайтирадиган модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар суммаси тўғрисида**
**ҲИСОБ-КИТОБ - МАЪЛУМОТНОМА**
**______2007________йил учун**
**(шартли мисол)**

*(сўм)*

| *Кўрсаткич номи* | *Сатр коди* | *Ҳисобот солиқ даври* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *1-чорак* | *ярим йиллик* | *9 ойлик* | *йил* |
| Ўтган солиқ даврларда инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи суммаси - жами* | 010 | - | - | - | - |
| Шу жумладан: | | | | | |
| ________ йил учун | 0101 | | | | |
| ________ йил учун | 0102 | | | | |
| ________ йил учун | 0103 | | | | |
| Ҳисобланган амортизация суммаси | 020 | 200 | 500 | 800 | 1100 |
| Маблағларнинг инвестицияларга сарфланиши, жами | 030 | 2500 | 2500 | 2500 | 2500 |
| Шу жумладан: | | | | | |
| Модернизациялашга | 0301 | - | - | - | - |
| Техник ва технологик қайта жиҳозлашга – жами | 0302 | 2500 | 2500 | 2500 | 2500 |
| Улардан: | | | | | |
| Жорий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгилаш учун харид қилинган янги технологик жиҳозни ишлаб чиқаришга жорий этиш | 03021 | 2500 | 2500 | 2500 | 2500 |
| Кредитни тўлаш | 03022 | - | - | - | - |
| Лизинг объекти қийматини қоплаш | 03023 | - | - | - | - |
| Инвестицияларнинг ҳисобланган амортизация суммасидан ортиши (010-сатр + 030-сатр – 020-сатр) | 040 | 2300 | 2000 | 1700 | 1400 |
| Инвестиция харажатлари чегирилгунга қадар солиқ солиш базаси [Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобининг 100-сатр – 110-сатр] | 050 | 300 | 500 | 800 | 1000 |
| Солиқ солиш базасини инвестиция суммасига камайтирилиши (040-сатр, бироқ 050-сатрдан юқори эмас) ** | 060 | 300 | 500 | 800 | 1000 |
| Ҳисобот солиқ даврида инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи суммаси (040-сатр – 060-сатр) | 070 | X | X | X | 400 *** |

*Изоҳ:*

**) 010-сатрда ўтган солиқ даврида қопланмаган маблағлар қолдиғи кўрсатилади. Мазкур қолдиқ солиқ даври давомида ўзгартиришларсиз кўрсатилади.*

***) Даромад солиғини ҳисоблашда Даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китобининг 120-сатри мазкур Ҳисоб-китоб маълумотноманинг 060-сатрида кўрсатилган инвестиция суммасига камайтирилади.*

****) Ушбу сумма кейинги солиқ даврида (2008 йил) Ҳисоб-китоб - маълумотноманинг 010-сатрда кўрсатилади.*

Корхона раҳбари ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

20___ й. "___" ___________

М.Ў.

*Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*4-ИЛОВА*

Корхона штампи
Давлат солиқ инспекциясига
_________________________
_________________________
(корхонанинг тўлиқ номи)

СТИР [ | | | | | | | | ]

**Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солиш базасини камайтирадиган янги технологик жиҳозни харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммаси тўғрисида**

**ҲИСОБ-КИТОБ - МАЪЛУМОТНОМА**

**____________йил учун**

(сўм)

| Кўрсаткич номи | Сатр коди | Ҳисобот солиқ даври | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 1-чорак | ярим йиллик | 9 ойлик | йил |
| Ўтган солиқ даврларда инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи суммаси - жами* | 010 | | | | |
| Шу жумладан: | | | | | |
| ______ йил учун | 0101 | | | | |
| ______ йил учун | 0102 | | | | |
| ______ йил учун | 0103 | | | | |
| ______ йил учун | 0104 | | | | |
| ______ йил учун | 0105 | | | | |
| Харид қилинган ва ишлаб чиқаришга жорий этилаётган янги технологик жиҳозга сарфланган маблағлар - жами: | 020 | | | | |
| Шу жумладан: | | | | | |
| Ўз маблағлари ҳисобига | 0201 | | | | |
| Кредитлар ҳисобига | 0202 | | | | |
| Лизингга | 0203 | | | | |
| Солиқ солиш базаси (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг 070 - сатри) | 030 | | | | |
| Солиқ солиш базасининг 25 фоизи (030-сатр x 25 / 100) | 040 | | | | |
| Солиқ солиш базасини камайтирилиши (020 - сатр, бироқ 040 – сатрдан юқори эмас) | 050 | | | | |
| Қопланмаган маблағлар қолдиғи (020 - сатр - 050 – сатр) | 060 | | | | |

*Изоҳ:*

**) 010-сатрда ўтган солиқ даврида қопланмаган маблағлар қолдиғи кўрсатилади. Мазкур қолдиқ солиқ даври давомида ўзгартиришларсиз кўрсатилади.*

Корхона раҳбари ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

20___ й. "___" ___________

М.Ў.

*Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*5-ИЛОВА*

Корхона штампи
Давлат солиқ инспекциясига
_________________________
_________________________
(корхонанинг тўлиқ номи)

СТИР [ | | | | | | | | ]

**Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солиш базасини камайтирадиган янги технологик жиҳозни харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммаси тўғрисида**
**ҲИСОБ-КИТОБ - МАЪЛУМОТНОМА**
**______2007______йил учун**

*(сўм)*

| *Кўрсаткич номи* | *Сатр коди* | *Ҳисобот солиқ даври* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *1-чорак* | *ярим йиллик* | *9 ойлик* | *йил* |
| Ўтган солиқ даврларда инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи суммаси - жами* | 010 | - | - | - | - |
| Шу жумладан: | | | | | |
| йил учун | 0101 | | | | |
| йил учун | 0102 | | | | |
| йил учун | 0103 | | | | |
| йил учун | 0104 | | | | |
| йил учун | 0105 | | | | |
| Харид қилинган ва ишлаб чиқаришга жорий этилаётган янги технологик жиҳозга сарфланган маблағлар - жами: | 020 | - | 1000 | 1000 | 1000 |
| Шу жумладан: | | | | | |
| Ўз маблағлари ҳисобига | 0201 | - | 1000 | 1000 | 1000 |
| Кредитлар ҳисобига | 0202 | - | - | - | - |
| Лизингга | 0203 | - | - | - | - |
| Солиқ солиш базаси (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг 070 - сатри) | 030 | 240 | 600 | 800 | 1200 |
| Солиқ солиш базасининг 25 фоизи (030-сатр x 25 / 100) | 040 | 60 | 150 | 200 | 300 |
| Солиқ солиш базасини камайтирилиши (020 - сатр, бироқ 040 – сатрдан юқори эмас) | 050 | - | 150 | 200 | 300 |
| Қопланмаган маблағлар қолдиғи (020 - сатр - 050 – сатр) | 060 | X | X | X | 700 ** |

*Изоҳ:*
**) 010-сатрда ўтган солиқ даврида қопланмаган маблағлар қолдиғи кўрсатилади. Мазкур қолдиқ солиқ даври давомида ўзгартиришларсиз кўрсатилади.*
***) Ушбу сумма кейинги солиқ даврида (2008 йил) ҳисоб-китоб - маълумотноманинг 010-сатрда кўрсатилади.*

Корхона раҳбари ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

20___ й. "___" ___________

М.Ў.

Бизнес
# Панорама
РЕКЛАМА & АХБОРОТ
«Норма маслаҳатчи» 25 (102)-сон 2007 йил 19 июнь

Ўзим учун шаҳарнинг марказий ҳудудларида офис учун камида 150 кв.м. хона ёки квартирани харид қиламан.

152-76-96, 152-76-71, 152-18-93

---

**«ANGOR ELITE SERVIS» МЧЖ**

тезкор матбаани
Таъмирлаш
нурланувчи қутилар, ҳарфлар, баннерлар, таклифномалар, ташрифномалар ва ҳ.к.
Дизайни ва уларни тайёрлаш
мақбул нархлар
55-96-12, 55-82-32
(Шаҳар ДАН рўпарасида).

---

Товар сертификатланган
Тўлов исталган шаклда
**"GAMILON" МЧЖ таклиф этади**
# кАНЦТОВАРЛАР
Шартномавий нархлар
Манзил: Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 6 А
Тел.: 144-66-81, 144-85-23, 395-19-99

---

**"ART-FLEX" МЧЖ**
ҲАММАСИ ОФИС УЧУН
- Турли хил офис, ёзув, газета қоғози
- Кенг ассортиментдаги канцтоварлар
- Босма маҳсулот (блокнотлар, тезтикчичлар, жилдлар, болалар китоблари)
- Телефон аппаратлари, соатлар, лампалар
- Электр хўжалик маиший товарлар ва б.

144-04-93, 144-37-92, 360-97-53, 68-75-97

---

**"AL-VORIS" МЧЖ**

Тўлов исталган шаклда

КАНЦТОВАРЛАР ➲ мактаб ва офис анжомлари
САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ➲ ташкилий техникага
ҲАР ҚАНДАЙ ➲ бухгалтерия бланкалари ва буюртмага
ЭЛЕКТР-ХЎЖАЛИК, МАИШИЙ ТОВАРЛАР ➲ кенг ассортиментда

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Навоий кўч., куйи савдо расталари
Тел.: 144-53-15, 144-54-12, тел./факс 144-53-18

---

Ишлаб чиқарувчидан
**Тезтиккичлар**
**Қоғоз учун папкалар**
**Ёзув-чизув дафтарлари**
Т./ф.: (998 71) 169-65-79, 169-65-59

Товар сертификатланган

---

Poligraf Media
сифат бизнинг шиоримиз

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ КИЛИНАДИ
Уяли: (99890) 187-9797, 188-9898

---

НОУТБУКЛАР
МОНИТОРЛАР
ПРИНТЕРЛАР
КОМПЬЮТЕРЛАРНИ
ТАЪМИРЛАШ
Устахона
БОШПОЧТАМТ ёнида.
136-27-88, 136-00-02, 370-27-88

---

**INVEST KREDIT**
кредит уюшмаси

Юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар кабул килади.
Даромад йилига 42%гача.
Омонатлар ЎзР МБ курси бўйича индексацияланади.
Омонатларни суғурталаш.

Тел.: 152 75 69, 152 75 70, 152 25 22
Тошкент ш., Шахрисабз кўч., 15-уй, 44-офис
мўлжал: "Ойбек" м.б., ISSIQLIKELEKTRLOYIHA институти рўпарасида

---

## АВИАКАССА – ЁЗГИ ЧЕГИРМАЛАР

- Тошкент - Шаржа: Бориш ва келиш 580 USD
- Тошкент - Бангкок: Бориш ва келиш 573 USD
- Тошкент - Урумчи: Бориш ва келиш 348 USD
- Тошкент - Пекин: Бориш ва келиш 620 USD
- Тошкент - Лондон: Бориш ва келиш 774 USD
- Тошкент - Франкфурт: Бориш ва келиш 702 USD
- Тошкент - Истанбул: Бориш ва келиш 458 USD
- Тошкент - Нью-Йорк: Бориш ва келиш 6 ой 1222 USD, 2 ой 984 USD
- Тошкент - Москва: Бир томонга 310 USD, Бориш ва келиш 488 USD
- Тошкент - Ростов-Дон: Бир томонга 232 USD, Бориш ва келиш 444 USD
- Тошкент - С.Петербург: Бир томонга 301 USD, Бориш ва келиш 572 USD
- Тошкент - Бишкек: Бир томонга 143 USD, Бориш ва келиш 276 USD
- Тошкент - Симферополь: Бир томонга 286 USD, Бориш ва келиш 481 USD

Тел./факс 137-47-70

---

"Панорама.
Товарлар ва хизматлар" рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди.
Тел.: 144-02-01, 144-02-40.

---

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

---



РЕКЛАМА
Бизнес П
144 02 01
144 02 40

---

# AGATA IMPEX LTD

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР ВА КАФОЛАТЛИ СЕРВИСМАРКАЗИ

TOSHIBA
Leading Innovation

НОУТБУКЛАР



"УЛЬТРАПОРТАТИВЛИК"
Portege M 400-139*

HOME COMPUTING
Satellite L30-134, A 100-912, M 100-233, P 100-257*

"КОРПОРАТИВ ЕЧИМ"
Tecra A 8-183, Tecra A 8-185*

кафолат 2 йилдан 3 йилгача

Руслаштирилган, лицензияланган дастурий таъминот

ToshibaEasyGuard
CarefreeMobileComputing
технологияси ноутбукингиз тартиби посбони

Шахрисабз кўч., М-1Б
Тел.: 133 0500, 136 0779
Факс 136 7902

E-mail: agata@agatagroup.com
www.agatagroup.com

Товар сертификатланган

---

Хизматлар лицензияланган

**STS LOGISTICS**
SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда
*30 дан зиёд офис ва 300 агент*

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Компания года

Тел.: 132-23-31, 132-24-12. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

---

# www.pc.uz · Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

ISO 9001:2000

# Жойига чиқиш билан "МУЛОҚОТ ДОИРАСИ" тариф режасига улаш!

**COSCOM компанияси "VIP TAXI" билан ҳамкорликда
Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига
"VIP TAXI" орқали буюртма бериб
"МУЛОҚОТ ДОИРАСИ"
тариф режасига уланиш имкониятини беради.**

**Шунингдек ҳисобрақамни тўлдириш учун
Умумий Тўлов Картаси
етказиб берилади.**

**Тел.: 169-33-33, 169-66-08**
**Хизматлар қиймати "VIP TAXI" тарифларига мувофиқ белгиланади**




БИЗ БИЛАН БЎЛИНГ!
COSCOM
www.coscom.uz

Хизматлар лицензияланган
(ЎзААА берган АА 0001818-сон лицензия)

